



76

« 5 » сентябрь 2013 йил

№ 412-К

ҚАРОР

Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўрғони А.Қаххор кўчаси атрофида савдо мажмуаси қуришга рухсат бериш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар Х.Абдулло кўчаси 31/2 уйда яшовчи Мартабаева Саодатнинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўрғони Х.Абдулло кўчаси 31/2 уйда яшовчи Мартабаева Саодатга Ингичка кўрғони А.Қаххор кўчаси атрофида 160 кв.метр ер майдонида лойиҳа асосида савдо мажмуаси қуришга ва атрофини ободонлаштиришга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўрғони Х.Абдулло кўчаси 31/2 уйда яшовчи Мартабаева Саодатга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуришга муҳандислик корхоналардан расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда, шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар хўжалик ҳисобидаги «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» давлат унитар корхонаси хизмати давлат унитар корхонаси зиммасига юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш ўз зиммамга қолдираман.

Шаҳар ҳокими

С.З.Раззақов.